

## Шартнома № 01/22

### Лойиха-смета ишларини бажариш бўйича

2022 йил “ 22 ” апрел

Тошкент шаҳри.

“Ўзсувтаъминот” АЖ “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Ишончнома асосида иш юритувчи унинг бошқарма бошлиғи **И.Мухитдинов** бир томондан ва ПТМ “Shukurjon”(кейинги ўринларда «**Лойихачи**» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи унинг **раҳбари Р.Т Янгибаев**, иккинчи томондан, “Тошкент вилояти Олмалик шаҳри “И.Каримов” ва “А.Қаххор” МФЙларда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш ” объекти бўйича ЎзР Қурилиш вазирининг 19.08.2019 й.даги 396-сон буйруғи иловасидаги низомларга мувофиқ лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, топография ишлари, геология ишлари, гидрогеология ишлари, техник кўрик (техобследование), экологик лойиха (проект ЗВОС), экоэкспертиза ижобий хулосасини олиш, давлат экспертиза органининг ижобий хулосаси олиш, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назоратини амалга ошириш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

### 1. Шартнома мавзуси

1. “**Лойихачи**” мазкур шартнома шартларига кўра “Тошкент вилояти Олмалик шаҳри “И.Каримов” ва “А.Қаххор” МФЙларда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш ” объекти бўйича ишларни бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

### 2. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2. Мазкур шартнома бўйича “**Лойихачи**” томонидан танлов комиссиясининг 2022 йил 16 апрел 63324-сон баённомаси қарорига мувофиқ бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар билан шу жумладан, ҚҚС билан 148 500 000. сўмни ташкил этади.

3. Ишларни қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;  
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзайтирилганда.

4. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва ўзгартирилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгартиришлар “Буюртмачи” билан “Лойихачи” ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 3. Лойихачининг мажбуриятлари

6. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тулик ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан **тасдиқланган КМК кода ва кулланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб** бажаради ҳамда ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади; Мухандис билан бажариладиган иш босқичларини келишади, бажарилаётган ишлар хақида муҳандисга ахборот тақдим қилади.

7. Буюртмачининг рухсатсиз ишларни бажариш учун учинчи шахсга бермайди.

### 4. Буюртмачининг мажбуриятлари

8. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

– мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича «Лойихачи»га бериш;

– ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган «Лойихачи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Лойихачи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## 5. Ишларни бажариш муддатлари

9. Шартнома:

- миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

- кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома конун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга кирилади.

10. Ишларни бажариш муддати 30 кун.

## 6. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

11. “Буюртмачи” “Лойихачи”га шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг, шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 фоизи яъни 44 550 000 сўм миқдоридан аванс маблағини ўтказиб беради. Қолган маблағлар бажарилган ишларга кўра ҳамда ажратилгандан маблағларнинг миқдоридан келиб чиқиб жорий молиялаштирилади.

12. “Буюртмачи” томонидан “Лойихачи”га аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвали (1, 2 - илова)лари асос ҳисобланади.

13. “Лойихачи” лойихани топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар лойиханинг тасодиқий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи “Лойихачи”нинг зиммасида бўлади.

14. Шартномани амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йил.

## 7. Ишларни бажариш

15. “Лойихачи” бажариладиган ишларга муҳандис тайинлайди. Муҳандис бажариладиган ишлар босқичларини келишади, бажарилаётган ишлар ҳақида “Буюртмачи”га ахборот тақдим қилади. Муҳандис қурилишнинг бутун даври давомида муаллифлик назоратини амалга оширади.

## 8 . Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

18. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 9. Кафолатлар

19. Лойихачи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди.

## 10. Шартномани бекор қилиш

20. “Буюртмачи” қуйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама, “Лойихачи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши “Буюртмачи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Лойихачи” томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Лойихачи”нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, “Лойихачи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

21. “Лойихачи” томонидан шартнома шартларига кўра тасдиқланган КМК конда ва қўлланмаларига риоя қилмасдан лойиҳа ишлари қилинганда.

Бундан ташқари “Буюртмачи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

22. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

23. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

## 11. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

24. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

25. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан берилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун “Буюртмачи” “Лойихачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,1 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фоизидан** ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши “Буюртмачи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

26. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун “Буюртмачи” “Лойихачи”га ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **1 фоизи** миқдорига жарима тўлайди.

27. “Лойихачи” смета-ҳужжатларини ўз вақтида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,1 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **30 фоизидан** ошмаслиги лозим. “Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун “Лойихачи” “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,1 фоизи** миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **30 фоизидан** ошмаслиги керак. Пеня тўлаш “Лойихачи”ни ишларни бажаришнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

28. Агар бажарилган ишлар иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, “Лойихачи”дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **15 фоизи** миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

29. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

30. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## 12. Низоларни ҳал этиш тартиби

31. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар узаро оғзаки ёки ёзма равишдаги мулоқотлаор орқали ҳал эта олмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 13. Алоҳида шартлар

32. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

33. “Лойихачи” лойихага ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

34. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

35. “Буюртмачи” билан “Лойихачи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш орқали ёзма равишда тасдиқлашлари керак.

36. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

37. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## XVI. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

### Буюртмачи

### Лойихачи

«Ўзсувтаъминот» АЖ «Сув таъминоти  
ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича  
инжиниринг компанияси» УК Тошкент шаҳар  
ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

ПТМ “Shukurjon”

Тошкент ш. Ниёзбек йули – 1  
л/с: л/с 301110860262667063201110390  
тел. 234-30-46; 234-05-08.  
ИНН. 305 973 162, ОКЭД 42210  
ОПЕРУ Казначейства МФ РУз  
каз/сч 23402000300100001010  
МБ ББ ХККМ г.Тошкент, МФО 00014  
ИНН каз под 201 122 919

230700 , г. Мангит, ул. Кипчакская 1а  
Телефон 0 361 515-11-29  
р/сч.: 20208000200416977001  
в Мангитском отд. ОАКБ Агробанк  
МФО 00619  
ИНН 200 376 420  
ОКЭД 71110  
ОКОНХ 66000, Инд. 237100



Бошқарма  
бошлиғи

И.Мухитдинов



Директор

Р.Т. Янгибаев

Юридик шахсни давлат руйхатидан утказиш тугрисида

ГУВОХНОМА

Реестрдаги тартиб раками N 00648

200 3 йил « 30 » сентябр

Мазкур гувохнома юридик шахс « SHUKURJON »

шахсий ишловчи уй-жойлари га  
(узбек тилидаги тулик номи)

шахсга Амударё тумани ҳокими қарори  
(руйхатдан утказувчи орган номи, туман ҳокими қарорининг тартиб раками ва санаси)

№ 54 05.02.2003 йил олоян

(юридик шахс булган дехкон хужаликлари, фермер хужаликлари учун ажратилган ер участкаси ва унинг майдони курсатилади)

берилган..

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

ТХШ

1100

Мулкчилик шакли:

МШ

114

Почта манзили:

МХОБТ

1735 204

Юридик шахс коди:

КТУТ

15269386

Тармоқ коди:

ХХТУТ

66000

Солиқ туловчининг идентификация раками:

СТИР

200376420

Қушимча маълумотлар



Ваколатли орган раҳбари

(имзо)





№ 4543-345e-a403-42ad-fd18-6484-3540  
Хужжат яратилинган сана: 2020-04-25  
Ариза рақами: 18706517

Хужжат берилган: SHUKURJON ШАХСИЙ ИЖОДИЙ  
УСТАХОНАСИ  
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 200376420

### Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ

SHUKURJON ШАХСИЙ ИЖОДИЙ УСТАХОНАСИ га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича III тоифадаги объектлар учун қуйидаги:  
Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи - Қишлоқ хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 25-04-2020 йил

Лицензия рақами: АЛ-000684

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 200376420

Юридик шахснинг почта манзили: МАНГИТ ШАХРИ ЗАВКИЙ КУЧАСИ 37 УЙ

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

#### ИНОЯТОВ МИРАББОС МИРКОМИЛОВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги текшириш учун [go.gov.uz](http://go.gov.uz) веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

5029



Бажариладиган ишларнинг тақвимли режаси

№	Ишнинг тури	Бажариладиган ишларнинг рўйхати	Бажариш муддатлари		Ҳисобий баҳоси	
			Бошланиши	Тугаши	Шартнома суммасига нисбатан % ҳисобида	Минг сўм
1	2	3	4	5		
1.	Тошкент вилояти Олмалик шаҳри “И.Каримов” ва “А.Қаххор” МФЙларда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш	Техник топшириққа асосан лойиҳа – смета ҳужжатлари	Аванс олинган кундан сўнг ва дастлабки ҳужжатларни олгандан кейинги иш куни	Аванс олинганда н сунг, 30 кун.	100%	148 500,0

**Эслатма:** Бажарувчи ишларнинг бошланиши ва тугалланиш муддатларини шартноманинг имзоланиши ҳамда ҳисоб рақамига аванснинг келиб тушишига қараб ўзгартириш ҳуқуқини ўз зиммасида қолдиради.

Буюртмачи:

Лойиҳачи:

Бошқарма бошлиғи

И.Мухитдинов



Директор

Р.Т. Янгибаев



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 63324 на приобретение “Тошкент вилояти Олмалик шаҳри “И.Каримов” ва “А.Қаххор” МФЙларда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш”**

Способ проведения электронный

Дата 16.04.2022

Время рассмотрения 15.04.2022 16:29

Конкурсная комиссия ГУП Инжиниринговая компания по строительству объектов водоснабжения и канализации Министерства жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MUXITDINOV ISLOM ISROILOVICH	Бошқарма бошлиғи	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	ISAQULOVA DILNOZA BERDIKULOVNA	Начальник отдела	УП “Инжиниринговая компания по строительству объектов водоснабжения и канализации» по г.Ташкенту и Ташкентской области
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH	Бўлим бошлиғи	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	TUYCHIEV SHOXRUX ORTIKJANOVICH	Начальник отдела	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	URALBAYEV FARMONBEK TURABAYEVICH	Зам.директора	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	BOBOKULOV AZIM GAFUROVICH	Гл.инженер	Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.04.2022 года № лота 63324.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	“Тошкент вилояти Олмалик шаҳри “И.Каримов” ва “А.Қаххор” МФЙларда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш”
Количество товара	1.00
Единица измерения	



Цена товара (услуги) за единицу	165 000 000.00
Стартовая сумма	165 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ўхшаш объектларда бажарилган ишлари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги 1 йилда ўхшаш ишларни бажарганлик – буюртмачи чегаравий қийматининг 50 фоизидан юқори

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ГУП О'ЗБЕККОММУНАЛЛОЙИНАҚУРИЛИШ</b>	20	1. Ўхшаш объектларда бажарилган ишлари тўғрисида маълумот	0	Экспертная	Дисквалифицирован	тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилмаган
<b>ШИУ SHUKURJON</b>	20	Файл юкланди	20	Экспертная		
<b>"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati</b>	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
<b>Architects Project Group MCHJ</b>	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
<b>ООО SMART ARCHENG</b>	20	146850000	20	Экспертная		

Критерий №2 талабгор тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Олий маълумотли қурилиш соҳасида 5 йил иш стажига эга раҳбарлар – 1 киши; Олий маълумотли профил бўйича 3 йил иш стажига эга сметачилар – 2 киши;

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ГУП О'ЗБЕККОММУНАЛЛОЙИНАҚУРИЛИШ</b>	30	5. талабгор тўғрисида маълумот	30	Экспертная		
<b>ШИУ SHUKURJON</b>	30	Файл юкланди	30	Экспертная		
<b>"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati</b>	30	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
<b>Architects Project Group MCHJ</b>	30	Буюртмачи тавсифига кўра	30	Экспертная		
<b>ООО SMART ARCHENG</b>	30	146850000	0	Экспертная	Дисквалифицирован	5 йил иш

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
						стажига эга эмас

Критерий №3 гувоҳнома

Тип: Текстовое значение

Описание: гувоҳнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ГУП О'ЗБЕККОММУНАЛЛОЙИНАҚУРИЛИШ</b>	10	4. гувоҳнома	10	Экспертная		
<b>ШИУ SHUKURJON</b>	10	Файл юкланди	10	Экспертная		
<b>"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati</b>	10	Буюртмачи тавсифига кўра	10	Экспертная		
<b>Architects Project Group MCHJ</b>	10	Буюртмачи тавсифига кўра	10	Экспертная		
<b>ООО SMART ARCHENG</b>	10	146850000	10	Экспертная		

Критерий №4 Ишларни бажаришга лицензия

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажаришга лицензия

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ГУП О'ЗБЕККОММУНАЛЛОЙИНАҚУРИЛИШ</b>	20	3. Ишларни бажаришга лицензия	20	Экспертная		
<b>ШИУ SHUKURJON</b>	20	Файл юкланди	20	Экспертная		
<b>"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati</b>	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
<b>Architects Project Group MCHJ</b>	20	Буюртмачи тавсифига кўра	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Ишларни бажариш буйича лицензия тоифаси мос эмас
<b>ООО SMART ARCHENG</b>	20	146850000	20	Экспертная		

Критерий №5 Солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ГУП О'ЗБЕККОММУНАЛЛОЙИНАҚУРИЛИШ</b>	20	2. Солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги.	20	Экспертная		
<b>ШИУ SHUKURJON</b>	20	Файл юкланди	20	Экспертная		
<b>"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati</b>	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
<b>Architects Project Group MCHJ</b>	20	Буюртмачи тавсифига кўра	20	Экспертная		
<b>ООО SMART ARCHENG</b>	20	146850000	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ШИУ SHUKURJON</b>	165 000 000.00	148 500 000.00	13.04.2022 21:20:22	100.00
<b>"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati</b>	165 000 000.00	165 000 000.00	13.04.2022 22:48:52	90.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ГУП О'ЗБЕККОММУНАЛЛОЙИНАҚУРИЛИШ</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>ШИУ SHUKURJON</b>	Прошел	100	100
<b>Architects Project Group MCHJ</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>ООО SMART ARCHENG</b>	Не прошел	Не прошел	Не прошел
<b>"MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati</b>	Прошел	90	90

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 63324 от 16.04.2022 года на приобретение "Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри "И.Каримов" ва "А.Қахор" МФЙларда куриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини куриш" определила победителем:

ШИУ SHUKURJON  
200376420

и резервный исполнитель: "MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati (302582802)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	MUXITDINOV ISLOM ISROILOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TUYCHIYEV SHOXRUX ORTIKJANOVICH	Не согласен	Нотугри бахоланган. ушбу иш турини лойихалаш учун лицензия мавжуд эмас.
<b>Член комиссии</b>	URALBAYEV FARMONBEK TURABAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BOBOKULOV AZIM GAFUROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

"Ўзсув таъминот" АЖ бошқарув раиси в.б



С.Саифназаров

2022 й.

**"Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш" жамғармаси ҳисобидан  
"Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича икжилиринг компанияси" УК буюртмачилигида  
2022 йилда қуриладиган Янги Ўзбекистон массивларини ичимлик сув таъминоти  
ва оқова сув тизимларини қуриш ишлари бўйича лойиҳа-қидирув ишлари учун  
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

(Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 19-сонли баёни)

(млн.сўм)

Т/Р	Объектлар номи ва манзили	Лойиҳа қуввати ҳас билан	Қурилиш бошланган ва фойдаланишга топширилган йили	Объект қурилишининг ҳисобий (дастлабки) тахминий қиймати	Лойиҳа басқичи ДТИА, ДТИХ, ТИА, ТИХ, Л, ИХ, ИЛ, ТХ	Объектнинг лойиҳа-қидирув ишлари қиймати*	Лойиҳа бошдан 01.01.22 й. ҳолатига бажарилган лойиҳа-қидирув ишлари	01.01.22 й. ҳолатига лойиҳа-қидирув ишлари қолдиқ қиймати	2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити	Лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачига топшириш муддати (ой, йил)	Тендер (танлов)лар натижасига бўйича баённома рақами ва санаси	Лойиҳачи танкилот номи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
	<b>Республика бўйича жами</b>	<b>334,01 км 55 объект</b>		<b>616 363,05</b>		<b>18 490,89</b>			<b>7 179,09</b>			
	<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>12,4 км 5 объект</b>		<b>11 107,00</b>		<b>333,21</b>			<b>333,21</b>			
1	Кейсейли тумани "Ақтуба" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	5,1 км 2 объект		4 445,00	ИЛ	133,35			133,35			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
2	Қораўзақ тумани "Есим" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	3,7 км 2 объект		3 750,00	ИЛ	112,50			112,50			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
3	Қонлиқўл тумани "Наурыз" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	3,6 км 1 объект		2 912,00	ИЛ	87,36			87,36			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	<b>Бухоро вилояти</b>	<b>22,1 км 4 объект</b>		<b>46 019,05</b>		<b>1 380,57</b>			<b>550,00</b>			
4	Ғиждувон тумани "Барақа" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	16,1 км 2 объект		29 850,00	ИЛ	895,50			300,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
5	Қоракўл тумани "Дурмон" массивида қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	6,0 км 2 объект		16 169,05	ИЛ	485,07			250,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	<b>Жиззах вилояти</b>	<b>17,0 км 2 объект</b>		<b>26 560,90</b>		<b>796,83</b>			<b>300,00</b>			
6	Ш.Рашидов тумани "Октош ота" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	17,0 км 2 объект		26 560,90	ИЛ	796,83			300,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади

T/P	Объектлар номи ва манзили	Лойиҳа куввати хос бирликлари	Қуришни бошлашиш ва фойдаланишга топшириш йили	Объект қурилишининг ҳисобий (дастлабки) тахминий қиймати	Лойиҳа босқичи ДТИА, ДТИХ, ТИА, ТИХ, Л, ИХ, ИЛ, ТХ	Объектнинг лойиҳа-қидирув ишлари қиймати*	Лойиҳа бошдан 01.01.22 й. ҳолатига бажарилган лойиҳа-қидирув ишлари	01.01.22 й., ҳолатига лойиҳа-қидирув ишлари қолдиқ қиймати	2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити	Лойиҳа-смета ҳужжаларининг бузғунчиликка топшириш муддати (ой, йил)	Тендер (танлов)лар натижасида бўйича баённома рақами ва санаси	Лойиҳачи таъкилот номи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
	<b>Қашқадарё вилояти</b>	<b>33,6 км 7 объект</b>		<b>39 156,00</b>		<b>1 174,68</b>			<b>550,00</b>			
7	Қосон тумани "Дўстлик" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	19,4 км 4 объект		23 529,00	ИЛ	705,87			300,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
8	Яккабоғ тумани "Айгиркул" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	14,2 км 3 объект		15 627,00	ИЛ	468,81			250,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	<b>Навоий вилояти</b>	<b>6,8 км 3 объект</b>		<b>10 600,00</b>		<b>318,00</b>			<b>318,00</b>			
9	Қармана тумани "Дўстлик" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	5,2 км 1 объект		5 600,00	ИЛ	168,00			168,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
10	Қизилтепа тумани "Малиқобод" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	1,6 км 2 объект		5 000,00	ИЛ	150,00			150,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	<b>Наманган вилояти</b>	<b>40,0 км 4 объект</b>		<b>27 500,00</b>		<b>825,00</b>			<b>450,00</b>			
11	Чуст тумани "Гулзор" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	22,0 км 2 объект		14 500,00	ИЛ	435,00			250,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
12	Пош тумани "Миришкор" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	18,0 км 2 объект		13 000,00	ИЛ	390,00			200,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	<b>Самарқанд вилояти</b>	<b>47,5 км 3 объект</b>		<b>125 000,00</b>		<b>3 750,00</b>			<b>800,00</b>			
13	Булуғур тумани "Губдон" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	20,0 км 2 объект		66 000,00	ИЛ	1 980,00			400,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
14	Ургут тумани "Мерганжи" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	27,5 км 1 объект		59 000,00	ИЛ	1 770,00			400,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	<b>Сурхондарё вилояти</b>	<b>38,9 км 10 объект</b>		<b>93 710,00</b>		<b>2 811,30</b>			<b>1 300,00</b>			
15	Ангор тумани "Шарк гули" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	8,3 км 3 объект		21 030,00	ИЛ	630,90			300,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
16	Жарқўрғон тумани "Қораантоқ" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	7,5 км 3 объект		19 930,00	ИЛ	597,90			300,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади

T/P	Объектлар номи ва манзили	Лойиҳа қувидаги ҳос бирликлари	Қуришни бошлашни ва фойдаланишни таъминлаш йили	Объект қурилуви ҳисобий (дастлабки) тахминий қиймати	Лойиҳа босқичи ДТИА, ДТИХ, ТИА, ТИХ, Л, ИХ, ИЛ, ТХ	Объектнинг лойиҳа қилинувчилари қиймати <sup>А</sup>	Лойиҳа бошдан 01.01.22 й. ҳолатига бажарилган лойиҳа қилирувчилари	01.01.22 й. ҳолатига лойиҳа қилирувчилари қолдиқ қиймати	2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити	Лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачига тақдим қилиш муддати (ой, йил)	Тендер (танлов)лар натижасига бўйича рақами ва санаси	Лойиҳани таъминлаш номи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
17	Сариосиё тумани "Лутфикор" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	13,8 км 1 объект		28 450,00	ИЛ	853,50			350,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
18	Бойсув тумани "Муस्ताқиллик" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	9,3 км 3 объект		24 300,00	ИЛ	729,00			350,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	<b>Сирдарё вилояти</b>	<b>5,6 км 3 объект</b>		<b>8 300,00</b>		<b>249,00</b>			<b>249,00</b>			
19	Янгиер шаҳар "А.Жомий" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	5,6 км 3 объект		8 300,00	ИЛ	249,00			249,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	<b>Тошкент вилояти</b>	<b>15,8 км 1 объект</b>		<b>16 500,00</b>		<b>495,00</b>			<b>365,00</b>			
20	Чирчиқ шаҳри "Ифтихор" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	13,8 км		11 000,00	ИЛ	330,00			200,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
21	Олмалиқ шаҳри "И.Каримов" ва "А.Қаҳҳор" МФЙларда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	2,0 км 1 объект		5 500,00	ИЛ	165,00			165,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	<b>Фарғона вилояти</b>	<b>77,2 км 6 объект</b>		<b>170 414,00</b>		<b>4 697,00</b>			<b>1 125,00</b>			
22	Фарғона тумани "Янги аср" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	5,2 км 1 объект		7 500,00	ИЛ	225,00			225,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
23	Фарғона шаҳри "Эко шаҳар" массивида қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	43,8 км 2 объект		103 854,00	ИЛ	2 700,20			500,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
24	Ёзсув тумани "Юқори сойбўйи" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	28,2 км 3 объект		59 060,00	ИЛ	1 771,80			400,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
	<b>Хоразм вилояти</b>	<b>14,9 км 7 объект</b>		<b>40 000,00</b>		<b>1 200,00</b>			<b>794,00</b>			
25	Янгиерик тумани "Дустлик" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	4,5 км 3 объект		25 200,00	ИЛ	756,00			350,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади
26	Тупроккала тумани "Обод" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	8,2 км 2 объект		7 900,00	ИЛ	237,00			237,00			Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади

№/П	Объектлар номи ва манзили	Лойиҳа қуви ва хос бирлиги	Қуришни бошлаши ва фойдаланишга топириш йили	Объект қурилишининг ҳисобий (дастлабки) тахминий қиймати	Лойиҳа босқичи ДТИА, ДТИХ, ТИА, ТИХ, Л, ИХ, ИЛ, ТХ	Объектнинг лойиҳа-қидирув ишлари қиймати*	Лойиҳа бошидан 01.01.22 й. ҳолатига бажарилган лойиҳа-қидирув ишлари	01.01.22 й. ҳолатига лойиҳа-қидирув ишлари қолдиқ қиймати	2022 йил учун капитал қўйимлар лимити	Лойиҳа-смета ҳужжатларини бузғузмига топириш муддати (ой, йил)	Тендер (таъло)лар натижасига бўйича баённома рақами ва санаси	Лойиҳачи ташкилот номи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
27	Хонка тумани "Ёш куч" МФЙда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	2,2 км 2 объект		6 900,00	ИЛ	207,00			207,00			Таъло (тендер) савдолари орқали аниқланади
	Тошкент шаҳри	2,3 км		1 496,10		44,88			44,88			
28	Сергели тумани "А.Навой" массивида қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивининг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш*	2,3 км		1 496,10	ИЛ	44,88			44,88			Таъло (тендер) савдолари орқали аниқланади

*Лойиҳа смета ҳужжатлари массивларнинг тасриф қилган қурилиш лойиҳаларига асосан шундай шартларда.*  
 (\*): Объектларга "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" нинг ижобий хулосаси олингандан кейин **ОБЪЕКТ ВА ЛОЙИҲА ҚИДИРУВ ИШЛАРИ** қийматига аниқлик киритилади.

"Киритилди"  
 "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича илғириш компанияси" УК  
 Директори в.в.б  
 Х.Якубов  
 2022 йил " " "




"Келишилди"  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Молия вазирлиги  
 2022 йил "16" 03



"Келишилди"  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги  
 2022 йил " " "



Четлов







## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2021 yil « 9 » декабрь

№ ПФ–32

### **“Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш мақсадида:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг туман (шаҳар) марказларига яқин ва уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда Фарғона вилояти Бағдод туманида барпо этилган **“Мурувват” массиви** намунаси асосида **“Янги Ўзбекистон” массивларини** қуриш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

**2022 йилда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивларининг манзилли рўйхати** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, **“Янги Ўзбекистон” массивларида** кўп қаватли уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекс тарзда қурилади. Бунда:

кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ости ер участкалари тадбиркорлик субъектларига **электрон онлайн-аукцион** орқали ижара ҳуқуқи асосида реализация қилинади;

кўп қаватли уй-жойларга **тўташ ер участкалари** уй-жой қуриб битказилганидан кейин маҳаллий ижроия ҳокимлик органининг тегишли қарори билан кўп қаватли уй-жой мулкдорларига **доимий фойдаланиш** ҳуқуқи асосида ажратиб берилади;

массивларда ташкил этиладиган ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун ер участкалари тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда **электрон онлайн- аукцион орқали** мулк ва ижара ҳуқуқлари асосида реализация қилинади;

**электрон онлайн-аукционда** ғалиб деб топилган тадбиркорлик субъектларига кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун “ССС” ва **ундан юқори рейтингга** эга бўлган қурилиш ташкилотларини жалб қилишга рухсат этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ–5087-сон қарорига мувофиқ халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукционга қўйишда ер участкасининг **бошланғич нархини 50 фоизгача камайтириш** ваколати берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Янги Ўзбекистон” массивларида ташқи муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини қуришда қуйидагилар:

а) **бўйртмачи этиб:**

массивларнинг қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини қуриш бўйича – тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона бўйртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари ҳамда “Янги Андижон” шаҳрида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси” ДУК;

**автомобиль йўлларини** қуриш бўйича – Автомобиль йўллари қўмитаси;

**иситиш қозонхоналари ва иссиқлик тармоқларини** қуриш бўйича – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

**ичимлик ва оқова сув таъминоти тармоқларини** қуриш бўйича – “Ўзсувтаъминот” АЖ;

**электр ва газ таъминоти тармоқларини қуриш бўйича – “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ҳудудгазтаъминот” АЖ;**

**алоқа тармоқларини қуриш бўйича – “Ўзбектелеком” АЖ белгилансин;**

**б) массивларни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳачи этиб “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “ТошуйжойЛИТИ” АЖ ва “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК белгилансин;**

**в) ташқи муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда ижтимоий соҳа объектлари қурилишини амалга оширувчи пудрат ташкилотлари давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқлансин.**

**4. Белгилансинки, “Янги Ўзбекистон” массивларида қуйидаги ишлар:**

**массивларни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ташқи автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув таъминоти тармоқларини қуриш – Давлат бюджети маблағлари, ҳудудларда ташкил этиладиган тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;**

**ташқи электр ва газ таъминоти тармоқларини қуриш – “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ҳудудгазтаъминот” АЖларнинг ўз маблағлари ҳамда асосланган ҳисоб-китобларга кўра Давлат бюджетидан ажратиладиган қисқа муддатли фоизли ссудалар ҳисобидан;**

**кўп қаватли уй-жойларни қуриш – тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;**

**ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш – маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;**

**ижтимоий соҳа объектлари (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, тиббиёт пунктлари, иситиш қозонхоналари ва бошқалар)ни қуриш – Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда, ижтимоий соҳа объектлари давлат-хусусий шериклик асосида қурилганда, ушбу ишлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ бажарилади.**

**5. Молия вазирлиги (Ишметов) 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ўзлаштирилмаган 300 млрд сўм миқдоридagi маблағларни тенг улушларда Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказсин.**

6. Ушбу Фармоннинг 2-илоvasида кўрсатилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган паст рентабелли 489 гектар ер майдонлари “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан тегишинча аҳоли пунктларининг ерлари ҳамда саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларинини мазкур Фармонга мувофиқ олиб қўйиш сабабли қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари ундирилмайди;

ушбу ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида **2023 йил 1 январга** қадар ушбу Фармон билан тоифаси ўзгараётган суғориладиган ер участкалари майдонининг **беш баравари** миқдорда янги ерлар ўзлаштирилишини таъминласин. Бунда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган янги ер участкалари Кадастр агентлиги томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинганидан сўнг ўзлаштирилган ҳисобланади.

Кадастр агентлиги (Умаров) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган янги ер участкалари ўз вақтида ва белгиланган миқдорда ўзлаштирилишини қатъий назорат қилсин.

7. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг “Янги Ўзбекистон” массивлари билан биргаликда **олдинги йилларда барпо этилган массивларнинг** бўш турган ер участкаларида ҳам уй-жойларни қуришни давом эттириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш вазирлиги (Зокиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифларига асосан **бир ой муддатда** олдинги йилларда барпо этилган массивларнинг бўш турган ер участкаларида

ва уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда қуриладиган уй-жойларнинг манзилли рўйхатини ва қурилиш параметрларини тасдиқласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасдиқланган манзилли рўйхат асосида уй-жой қуриш учун ер участкаларининг белгиланган тартибда электрон онлайн-аукционга чиқарилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **бир ой муддатда** “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларда қурилиш ишларини ташкил этишга “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ ҳамда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК МЧЖларни жалб қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **икки ой муддатда** 2022 йилда “Янги Ўзбекистон” массивларига туташ ва яқин ҳудудларда ташкил этиладиган кичик саноат зоналари ва технопарклар рўйхатини тасдиқласин.

10. Қурилиш вазирлиги (Закиров):

а) **2022 йил 1 июнга қадар** 2023–2026 йилларда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивларининг манзилли рўйхатини шакллантирсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

б) **бир ой муддатда:**

“Янги Ўзбекистон” массивларида қуриш учун таклиф этиладиган кўп қаватли уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва лойиҳа ечимларини ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирсин;

кўп қаватли уй-жойлар қурилишида энергия тежамкор материаллардан фойдаланишни назарда тутувчи талабларни ишлаб чиқсин ва уларнинг шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилишини таъминласин;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига кўп қаватли уй-жойларнинг ертўлаларини фойдали майдон сифатида ишлатиш бўйича тегишли ўзгартириш киритилишини таъминласин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кўп қаватли уй-жойларни лойиҳалаш ва қуришда белгиланган қурилиш нормалари ва қоидаларига, қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишларини бажариш сифатига қатъий риоя этилиши бўйича ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

г) тадбиркорлик субъектлари томонидан кўп қаватли уй-жойларни қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари қонунчиликда белгиланган муддатларда тайёрланиши, келишилиши ва қурилиш ишлари бошланишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Кўчимов) Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминласин.

12. Қурилиш вазирлиги (Закиров) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) билан биргаликда **бир ой муддатда** уй-жой қурилиш кластерларини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Бош прокуратура (Юлдашев) “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилишида нархларнинг асоссиз оширилиши, рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳамда тасдиқланган лойиҳаларнинг ўзбошимчалик билан ўзгартирилишига йўл қўймаслик устидан таъсирчан назорат ўрнатсин.

14. Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Д.К. Адиловга “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, уларда маҳаллий замонавий қурилиш материаллари ва ускуналарини кенг қўллаш орқали уй-жойларнинг нархини пасайтириш ҳамда қурувчи ташкилотлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишга масъул этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров, молия вазири Т.А. Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармоннинг ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чорақ якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

2022 йилда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивларининг  
манзилли рўйхати\*

Т/р	Худудлар номи	Туман ва шаҳар номи	Мақалла ва массивлар номи	Массив майdonи (гектар)	Қуриладиган уй-жойлар		Қуриладиган ижтимоий объектлар сони		
					уй- жойлар сони	хонадон сони	умумтаълим мактаби	мактабгача таълим ташкилоти	тиббиёт муассасаси
Республика бўйича			29 та	1 014,9	619	21 312	18	24	15
1	Қорақалпоғистон Республикаси	Кегейли тумани	"Актуба" ОФЙ	10,8	7	210	1	1	1
		Қораўзак тумани	"Ёсим" МФЙ	10,0	6	168	1	1	
		Қонликўл тумани	"Наурыз" МФЙ	14,3	10	300	1	1	
2	Андижон вилояти	Андижон шаҳри	"Янги Андижон" массиви	53,0	74	1 962	1	1	1
3	Бухоро вилояти	Ғиждувон тумани	"Барака" МФЙ	35,0	24	480	1	1	1
		Қоракўл тумани	"Дўрмон" массиви	30,0	12	240		1	1
4	Жиззах вилояти	Ш.Рашидов тумани	"Оқтош ота" МФЙ	41,3	14	1 120			
5	Қашқадарё вилояти	Косон тумани	"Дўстлик" МФЙ	27,2	30	616	1	1	1
		Яккабоғ тумани	"Айғиркўл" МФЙ	18,0	25	500	1	1	
6	Навоий вилояти	Кармана тумани	"Дўстлик" МФЙ	21,0	20	400	1	1	1
		Қизилтепа тумани	"Маликобод" МФЙ	20,0	10	200		1	1
7	Наманган вилояти	Чўст тумани	"Гўлзор" МФЙ	29,0	15	300		1	1
		Поп тумани	"Миришкор" МФЙ	16,0	17	340		1	1



Т/р	Худудлар номи	Туман ва шаҳар номи	Маҳалла ва массивлар номи	Массив майдони (гектар)	Қуриладиган уй-жойлар		Қуриладиган ижтимоий объектлар сони		
					уй-жойлар сони	хонадон сони	умумтаълим мактаби	мактабгача таълим ташкилоти	тиббиёт муассасаси
8	Самарқанд вилояти	Булунғур тумани	"Ғўбдин" МФЙ	23,9	18	330			
		Ургут тумани	"Мерганжи" МФЙ	39,2	18	964	1	1	
9	Сурхондарё вилояти	Ангор тумани	"Шарқ гули" МФЙ	11,5	17	408		1	
		Жарқўрғон тумани	"Қораянтоқ" МФЙ	24,5	20	396	1		1
		Сариосиё тумани	"Лутфукор" МФЙ	31,0	19	556	1		
		Бойсун тумани	"Мустақиллик" МФЙ	7,7	10	200			
10	Сирдарё вилояти	Янгиер шаҳар	"А.Жомий" МФЙ	15,9	20	400			
11	Тошкент вилояти	Чирчиқ шаҳар	"Ифтихор" МФЙ	49,0	29	1 668	1	1	1
		Олмалиқ шаҳар	"И.Каримов" МФЙ, "А.Қаҳҳор" МФЙ	59,1	15	1 140	1	2	1
12	Фарғона вилояти	Фарғона тумани	"Янги аср" МФЙ	20,6	33	1 428	1	2	1
		Фарғона шаҳар	"Эко шаҳар"	300,0	80	4 362	2	3	1
		Ёзёвон тумани	"Юқори сойбўйи" МФЙ	65,2	30	600	1	1	
13	Хоразм вилояти	Янгиариқ тумани	"Дўстлик" МФЙ	6,5	8	160			
		Тупроққалъа тумани	"Обод" МФЙ	10,5	5	100		1	1
		Хонқа тумани	"Ёш куч" МФЙ	10,0	9	228			
14	Тошкент шаҳри	Сергели тумани	"А.Навоий" массиви	14,7	24	1 536	1		

*\*) 2022 йилда қуриладиган "Янги Ўзбекистон" массивларининг манзилли рўйхатиغا Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлигининг таклифларига асосан Вазирлар Маҳкамаси Раёсати йиғилиши қарори билан тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*